

**“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдаги
умумий йиғилишининг**

33 - сонли баёнидан кўчирма

2020 йил 30 сентябрь

Тошкент ш.
Истиклол кўчаси, 9 уй

“Ипотека-банк” АТИБ Меҳнат филиали биносининг мажлислар залида соат 11⁰⁰ бошланди.

Мажлисада қатнашганлар:

**Банк акциядорлари ва
уларнинг вакиллари**

**Банк Кузатув кенгаши
аъзолари**

Банк Бошқаруви

**Банкнинг таркибий
бўлинмалари раҳбарлари**

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга 2'809'392'130'434 дона акциялардан 2'601'624'941'178 дона овозга эгалик қилувчи 9 нафар акциядорлар ва/ёки уларнинг вакиллари қатнашди.

Йиғилиш кворуми – 92,6%

Йиғилишни банк Кузатув кенгаши аъзоси Д.К. Ибрагимов очди ва Йиғилишга раислик қилди.

Йиғилиш раиси очик овоз бериш йўли билан йиғилиш президиумини сайлаш бўйича таклиф киритди ва овозга қўйди. Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Президиум қуйидаги таркибда сайланди:

Д.К. Ибрагимов, З.А. Ибрахимжанова, И.М. Абдуллаева, Ж.К. Рахимов ва Ш.Х. Атабаев.

Йиғилиш баённомасини ёзиб бориш учун йиғилиш котиби этиб Мерганов Баходир Ибрагимовични сайлаш ҳамда санок комиссияси вазифасини бажариш учун банк акциядорлари ичидан Мухитдинов Темур Садритдиновични, Шакаримова Ольга Алексеевнани ва Раджабова Азиза Пулатовнани сайлаш таклиф этилди.

Қуйидаги номзодлар очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш котиби: Мерганов Баходир Ибрагимович;

Санок комиссияси раиси: Мухитдинов Темур Садритдинович;

Санок комиссияси аъзолари: Шакаримова Ольга Алексеевна;
Раджабова Азиза Пулатовна.

Йиғилиш кворумини аниқлаш учун санок комиссиясига сўз берилди.

Санок комиссияси ўз маълумотида 2020 йил 30 сентябрь куни Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 9-уй манзилида, “Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишида қатнашаётган акциядорларни рўйхатга олиш соат 10⁰⁰да бошланганлигини ва соат 10⁵⁵ да рўйхатдан ўтказиш тўхтатилганлигини айтиб ўтди. “Ипотека-банк” АТИБ бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган жами 2’601’624’941’178 дона овозга овозга эга бўлган жами 9 та акциядор ва/ёки уларнинг вакиллари қатнашаётганлигини ва йиғилиш қворуми 92,6% фоизни ташкил этганлигини ҳамда йиғилишни ўтказиш учун қворум мавжудлигини маълум қилди.

Йиғилиш раиси йиғилиш регламенти акциядорларга берилган тарқатма материалларда мавжудлигини айтиб ўтиб, қаршиликлар бўлмаса уни шу кўринишда тасдиқлашни таклиф этди. Йиғилиш регламенти акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш котиби йиғилиш кун тартибидаги масалаларни акциядорлар томонидан тасдиқланиши учун ўқиб эшиттирди.

Кун тартиби:

1. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашининг 2019 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда “Ипотека-банк” АТИБнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича чоратadbирлар ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

2. “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятининг 2019 йил натижалари ва 2020 йил учун устувор йўналишлари тўғрисида “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

3. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

4. 2020 йил учун “Ипотека-банк” АТИБ ташқи аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори чегарасини тасдиқлаш.

5. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019 йил натижалари бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш.

6. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш.

7. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019-2021 йиллар учун ривожланиш стратегияси ижросини эшитиш ва унинг ижросини муддатидан илгари тугатиш бўйича ҳисоботни эшитиш, шунингдек “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020-2023 йиллар учун ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш.

8. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

9. 2019 йил якунлари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини тасдиқлаш.

10. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

11. “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.

12. “Ипотека-банк” АТИБ ва Халқаро молия корпорацияси ўртасида банкни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш дастури доирасида тузилган битимлар шартларини тасдиқлаш.

13. “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш.

14. “Ипотека-банк” АТИБ акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритишни тасдиқлаш.

15. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш.

16. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви тўғрисидаги низомга ўзгартишлар ва қўшимча киритишни тасдиқлаш.

17. “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш.

18. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш ва компенсациялар тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.

19. “Ипотека-банк” АТИБ балансининг “кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағида ҳисоби юритилаётган айрим активларни ҳисобдан чиқаришни тасдиқлаш.

20. “Ипотека-банк” АТИБ томонидан 2019 йил давомида тузилган аффилланган шахслар билан битимларни ва йирик битимларни тасдиқлаш.

21. “Ипотека-банк” АТИБнинг аффилланган шахслар билан келгусида йиллик акциядорлар умумий йиғилишигача муддатга тузиши мумкин бўлган битимларини тасдиқлаш.

22. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг аффилланган шахслар билан битимларни ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун банкнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларини аниқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини маъқуллаш.

23. “Ипотека-банк” АТИБнинг Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган шартномалар муддатларини бир йилга узайтиришни тасдиқлаш.

1. Кун тартибидаги биринчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашининг 2019 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда “Ипотека-банк” АТИБнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

Йиғилишга раислик қилувчи – банк Кузатув кенгаши аъзоси Д.К. Ибрагимов ушбу масала юзасидан ҳисоботни ўқиб эшиттирди.

Кун тартибидаги биринчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601620729982 (100%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 0 (0%)
---	------------------------	--------------------------

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) донна овоз).

2. Кун тартибидаги иккинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятининг 2019 йил натижалари ва 2020 йил учун устувор йўналишлари тўғрисида “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

Ипотека-банк томонидан 2019 йил давомида банкни ривожлантириш стратегияси ва Бизнес-режада келтирилган устувор йўналишлар бўйича чора-тадбирларни изчил олиб бориш, шу жумладан фаолият самарадорлиги ва даромадлиликни янада ошириш диққат марказида бўлди.

Кун тартибидаги иккинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601620729982 (100%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 0 (0%)
---	------------------------	--------------------------

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) донна овоз).

3. Кун тартибидаги учинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

“Ипотека-банк” АТИБ фаолиятининг 2019 йил натижалари бўйича Тафтиш комиссияси ҳисоботи юзасидан банк Тафтиш комиссияси аъзоси Х.О. Набиев сўзга чиқди.

Тафтиш комиссияси ҳисоботи акциядорларга ўқиб эшиттирилди.

Кун тартибидаги учинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601620065692 (%100)	Қарши 664290 (0%)	Бетараф 0 (0%)
---	-----------------------------	--------------------------

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) дона овоз).

4. Кун тартибидаги тўртинчи масала – 2020 йил учун “Ипотека-банк” АТИБ ташқи аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори чегарасини тасдиқлаш.

Ушбу масала юзасидан Ички аудит департаменти директори Н. Кулиев сўзга чиқиб қайд этдики, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ банкнинг 2020 йилдаги фаолиятини аудитдан ўтказиш учун ташқи аудиторлик компаниясини белгиланган тартибда танлаб олиш ишлари амалга оширилган.

Кун тартибидаги тўртинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601333277608 (99,99%)	Қарши 664290 (0%)	Бетараф 286788084 (0,01%)
---	-----------------------------	-------------------------------------

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) дона овоз).

5. Кун тартибидаги бешинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019 йил натижалари бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш бўйича сўз Молия блоки раҳбари А.А. Мухитдиновга берилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601333941898 (99,99%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 286788084 (0,01%)
---	------------------------	-------------------------------------

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) дона овоз).

6. Кун тартибидаги олтинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш масаласида сўз Молия блоки раҳбари А.А. Мухитдиновга берилди.

Кун тартибидаги олтинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601620729982 (100%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 0 (0%)
---	------------------------	--------------------------

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) дона овоз).

7. Кун тартибидаги еттинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019-2021 йиллар учун ривожланиш стратегияси ижросини эшитиш ва унинг ижросини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020-2023 йиллар учун ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш масаласида Стратегия департаменти директори Т. Рахмонов сўзга чиқди.

Кун тартибидаги еттинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601620729982 (100%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 0 (0%)
---	------------------------	--------------------------

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) дона овоз).

8. Кун тартибидаги саккизинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

Амалдаги қонунчиликка асосан, ҳар бир акциядорлик жамияти ўзининг йиллик ҳисоботини тайёрлаши ва бошқарув органлари томонидан тасдиқланиши лозимлигидан келиб чиқиб, банк томонидан 2019 йил яқунлари учун йиллик ҳисобот тайёрланган.

Кун тартибидаги саккизинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601620729982 **Қарши 0** **Бетараф 0**
(100%) **(0%)** **(0%)**

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) дон а овоз).

9. Кун тартибидаги тўққизинчи масала – 2019 йил яқунлари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини тасдиқлаш бўйича Йигилиш раиси маълумот берди.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601333941898 **Қарши 0** **Бетараф 286788084**
(99,99%) **(0%)** **(0,01%)**

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) дон а овоз).

10. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

11. “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.

10-11. Кун тартибидаги ўнинчи ва ўн биринчи масалалар – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш ва “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш масалалари биргаликда қўрилди ва улар юзасидан банк Корпоратив маслаҳатчиси Б. Мерганов сўзга чиқди.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича берилган овозлар:

№	Ф.И.О.	Лавозими	Овоз бериш натижалари
			(овозлар сони)
1	Ибраҳимжанова Зумрат Аманбаевна	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бошқармаси бошлиғи	5 086 385 020 678
2	Абдуллаева Ирода Маратовна	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлими бошлиғи	5 087 675 567 056
3	Абдушукуров Жамшид Абдигалипович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги департамент директори	1 891 196 290 644
4	Махкамов Рустам Хусниддинович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари-бўлим бошлиғи	1 881 817 876 632
5	Александр Пиккер	Лойиҳалар бўйича халқаро эксперт (Австрия)	1 892 486 837 022
6	Татьяна Доган	Қозоғистон Республикасининг “Қозоғистон Иджара	1 881 817 876 632

		Компания” АЖ Кузатув Кенгашининг мустақил аъзоси	
7	Весли Дэвис	APQ Global компанияси (Буюк Британия) молиявий директори	1 891 196 290 644
8	Берешченко Юлия Валерьевна	Astarta Holding NV бизнес ва инвесторлар билан алоқалар бўйича директори; Wood&Co компанияси етакчи маслаҳатчиси	1 891 196 290 644
9	Таджиев Авазхон Асадуллаевич	“Салтанат Мева” Савдо уйи МЧЖ бош директори	1 891 196 290 647
10	Зайнутдинов Сирожиддин Сайфутдинович	“Группа Илим” АЖ аудит бўйича вице-президенти	10 225 430 329
11	Ишмухамедов Мурат Мергалиевич	Қозоғистон Республикаси “Хукумат фуқаролар учун” давлат корпорацияси НАЖ	9 378 414 012

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) донна овоз).

Кун тартибдаги ўн биринчи масала бўйича берилган овозлар:

№	Ф.И.О.	Лавозими		
1	Сайфутдинов Шерхон Сафарбаевич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бўлим бошлиғи		
	Тарафдор 2601329980314 (99,99%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 0 (0%)	
<i>(Овоз бермаганлар – 294960864 (0,01%) донна овоз).</i>				
2	Хабибуллаев Сардор Алишеревич	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлим бошлиғи		
	Тарафдор 306342735097 (11,78%)	Қарши 2294987245217 (88,21%)	Бетараф 0 (0%)	
<i>(Овоз бермаганлар – 294960864 шт. (0,01%) донна овоз).</i>				
3	Лолахонов Нодирбек Улугбекович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бош мутахассиси		
	Тарафдор 2601329980314 (99,99%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 0 (0%)	
<i>(Овоз бермаганлар – 294960864 шт. (0,01%) донна овоз).</i>				
4	Набиев Хисрав Орифжанович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бош мутахассиси		
	Тарафдор 2591951566302 (99,63%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 0 (0%)	
<i>(Овоз бермаганлар – 9673374876 шт. (0,37%) донна овоз).</i>				

12. Кун тартибдаги ўн иккинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ ва Халқаро молия корпорацияси ўртасида банкни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш дастури

доирасида тузилган битимлар шартларини тасдиқлаш масаласи юзасидан Юридик департамент директори Ҳ.Муродов сўзга чиқди.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601620729982 (100%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 0 (0%)
--	-------------------------------	---------------------------------

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) донна овоз).

13. Кун тартибидаги ўн учинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш масаласида Юридик департамент директори Ҳ.Муродов сўзга чиқди.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601333941898 (99,99%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 286788084 (0,01%)
--	-------------------------------	--

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) донна овоз).

14. Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритишни тасдиқлаш масаласида Юридик департамент директори Ҳ.Муродов сўзга чиқди.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601333941898 (99,99%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 286788084 (0,01%)
--	-------------------------------	--

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) донна овоз).

15. Кун тартибидаги ўн бешинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш масаласида Юридик департамент директори Ҳ.Муродов сўзга чиқди.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601333941898 (99,99%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 286788084 (0,01%)
--	-------------------------------	--

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) донна овоз).

16. Кун тартибидаги ўн олтинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви тўғрисидаги низомга ўзгартишлар ва қўшимча киритишни тасдиқлаш масаласида Юридик департамент директори Ҳ.Муродов сўзга чиқди.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601620729982 (100%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 0 (0%)
--	-------------------------------	---------------------------------

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) донна овоз).

17. Кун тартибидаги ўн еттинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмасини янги тахрирда тасдиқлаш масаласида Юридик департамент директори Ҳ.Муродов сўзга чиқди.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601620729982 (100%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 0 (0%)
--	-------------------------------	---------------------------------

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) донна овоз).

18. Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш ва компенсациялар тўғрисидаги низомни янги тахрирда тасдиқлаш масаласида Йиғилиш раиси сўзга чиқди.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601333941898 (99,99%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 286788084 (0,01%)
---	------------------------	-------------------------------------

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) донна овоз).

19. Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ балансининг “кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағида ҳисоби юритилаётган айрим активларни ҳисобдан чиқаришни тасдиқлаш масаласида Портфель мониторинги ва муаммоли кредитлар билан ишлаш департаменти директори Ш.Ҳожиев сўзга чиқди.

Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601333941898 (99,99%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 286788084 (0,01%)
---	------------------------	-------------------------------------

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) донна овоз).

20. Кун тартибидаги йигирманчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ томонидан 2019 йил давомида тузилган аффилиланган шахслар билан битимларни ва йирик битимларни тасдиқлаш масаласида банк Корпоратив маслаҳатчиси Б. Мерганов сўзга чиқди.

Кун тартибидаги йигирманчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601333941898 (99,99%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 286788084 (0,01%)
---	------------------------	-------------------------------------

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) донна овоз).

21. Кун тартибидаги йигирма биринчи масала – “Ипотека-банк” АТИБнинг аффилиланган шахслар билан келгусида йиллик акциядорлар умумий йиғилишигача муддатга тузиши мумкин бўлган битимларини тасдиқлаш масаласи юзасидан банк Корпоратив маслаҳатчиси Б. Мерганов сўзга чиқди.

Кун тартибидаги йигирма биринчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 9673407084 (100%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 0 (0%)
--------------------------------------	------------------------	--------------------------

(Изоҳ: Овоз беришда аффилиланган шахслар Ўзбекистон Республикаси Тикланиши ва тараққиёт жамғармаси (2'294'983'001'813 донна овоз ва Молия вазирлиги (296'964'321'085 донна овоз иштирок этмади);

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) донна овоз).

22. Кун тартибидаги йигирма иккинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг аффилиланган шахслар билан битимларни ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун банкнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларини аниқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини маъқуллаш масаласи юзасидан банк Корпоратив маслаҳатчиси Б. Мерганов сўзга чиқди.

Кун тартибидаги йигирма иккинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 9673407084 (100%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 0 (0%)
--------------------------------------	------------------------	--------------------------

(Изоҳ: Овоз беришда аффилиланган шахслар Ўзбекистон Республикаси Тикланиши ва тараққиёт жамғармаси (2'294'983'001'813 донна овоз ва Молия вазирлиги (296'964'321'085 донна овоз иштирок этмади);

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) донна овоз).

23. Кун тартибидаги йигирма учинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБнинг Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган шартномалар муддатларини бир йилга узайтиришни тасдиқлаш бўйича Йиғилиш раиси сўзга чиқди.

Кун тартибидаги йигирма учинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2601620729982
(100%)

Қарши 0
(0%)

Бегараф 0
(0%)

(Овоз бермаганлар – 4211196 (0%) дона овоз).

Юқорида баён этилган кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши

Қарор қилди:

1. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашининг 2019 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда “Ипотека-банк” АТИБнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

2. “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятининг 2019 йил натижалари ва 2020 йил учун устувор йўналишлари тўғрисида “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

3. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

4. 2020 молиявий йил учун (йиллик ҳисобот аудити ва ковенантлар ҳисоб-китоби) “Ипотека-банк” ташқи аудитори этиб “КРМГ” аудиторлик компанияси белгилансин ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорининг чегараси 961,4 млн. сўм миқдорида (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҚҚС миқдори ўзгарганда, ушбу сумма тузатилишини инобатга олган ҳолда) тасдиқлансин.

5. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019 йил натижалари бўйича олган соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ (Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль)) стандарт активлар бўйича захираларни шакллантириш учун 52'383'681'281,19 сўм (соф фойданинг 12,18%) йўналтирилсин;

- 2019 йил якунларига кўра олинган соф фойданинг қолган 150'522'824'034,83 сўми (соф фойданинг 35%) умумий захира фондини шакллантиришга йўналтирилсин;

- банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига тўланадиган 348'165'440 сўм ва Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган 38'803'329,60 сўм мукофот банкнинг 2019 йилги соф фойдасидан эмас, 2020 йил харажатлари ҳисобидан амалга оширилсин ва соф фойданинг шу қисми (мажбурий ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда 386'968'769,60 сўм) банкнинг умумий захира капиталига йўналтирилсин;

- соф фойданинг 52,26% ёки 224'751'370'434,72 сўмни оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлашга (ҳар бир дона оддий акция учун 0,08 сўм ҳисобида) йўналтирилсин. Бунда, бир акциядорга ҳисобланадиган дивидендлар миқдори 1 тийингача бўлган аниқликда аниқлансин, ҳисоблашда рақамларни яхлитлаш математик яхлитлаш қоидалари бўйича амалга оширилсин. Дивидендларни тўлаш 2020 йил 2 ноябрдан бошлансин ва 2020 йил 28 ноябрда тугатилсин;

- соф фойданинг 0,47% ёки имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлашга 2'013'000'000 сўмни (ҳар бир дона имтиёзли акция учун 0,25 сўм ҳисобида) йўналтирилсин. Бунда, бир акциядорга ҳисобланадиган дивидендлар миқдори 1 тийингача бўлган аниқликда аниқлансин, ҳисоблашда рақамларни яхлитлаш математик яхлитлаш қоидалари бўйича амалга оширилсин. Дивидендларни тўлаш 2020 йил 2 ноябрдан бошлансин ва 2020 йил 28 ноябрда тугатилсин;

- қонунчиликка киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олиб, банк балансидаги маблағларни ҳисобварақларда тўғри акс эттирилишини таъминлаш учун 30904...001 (ФЛК) ва 30903...007 (ПҚ-4005-сон қарор бўйича ташкил этилган захира) ҳисобварақларида мавжуд барча қолдиқ маблағлар 30903...005 ҳисобварағига (умумий захира фондига) йўналтирилсин. 2018 йил соф фойдасидан мукофот кўринишида тўланган ва банкка қайтарилган 47'335'543,19 сўм миқдоридagi қисми умумий захира фондига йўналтирилсин.

6. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020 йил учун Бизнес-режаси тасдиқлансин.

7. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019-2021 йиллар учун ривожланиш стратегияси ижроси ҳақидаги ҳисобот маълумот учун қабул қилинсин ҳамда унинг ижроси муддатидан илгари тугатилсин, шунингдек “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020-2023 йиллар учун ривожланиш стратегияси тасдиқлансин.

8. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. 2019 йил якунлари бўйича “Ипотека-банк” АТИБ корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тасдиқлансин.

10. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибига З.А. Ибраҳимжанова, И.М. Абдуллаева, Ж.А. Абдушукуров, Р.Х. Махкамов, А. Пиккер, Т. Доган, В. Дэвис, Ю.В. Берешченко ва А.А. Таджиев сайлансин. Уларнинг сайланганлиги муносабати билан Б.А. Хўжаев, Д.К. Ибрагимов, А.А. Қаххоров, Ж.К. Рахимов, М.М. Ишмухамедов, С.С. Зайнутдинов банк Кузатув кенгаши таркибидан чиқарилсин.

11. “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси таркибига Ш.С. Сайфутдинов, Н.У. Лолахонов ва Х.О. Набиевлар сайлансин.

12. “Ипотека-банк” АТИБ ва Халқаро молия корпорацияси ўртасида банкни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш дастури доирасида тузилган битимлар шартлари тасдиқлансин.

13. “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин, киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар матни 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Банк Бошқаруви уставга киритиладиган ушбу ўзгартишлар ва қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

14. “Ипотека-банк” АТИБ акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритилсин, киритиладиган ўзгартишлар матни 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин, киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар матни 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

16. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви тўғрисидаги низомга ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин, киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимча матни 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

17. “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмаси 6-иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.

18. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш ва компенсациялар тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.

19. “Ипотека-банк” АТИБ баланснинг “кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағида ҳисоби юритилаётган айрим активларни ҳисобдан чиқариш тасдиқлансин.

20. “Ипотека-банк” АТИБ томонидан 2019 йил давомида тузилган аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимлар тасдиқлансин.

21. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2020 йилдаги фаолияти натижаларига бағишлаб ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши санасига қадар банкнинг аффилиланган шахслар билан тузиши мумкин бўлган битимлари (кредит ажратиш, банк акцияларини жойлаштириш ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа битимлар) тасдиқлансин.

22. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг аффилиланган шахслар билан битимларни ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун банкнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар сифатида “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида кўрсатилган операциялар белгилансин, шунингдек банк Бошқаруви томонидан мазкур операцияларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларига мувофиқ аффилиланган шахслар билан ҳамда йирик битимларни тузиш асосида мустақил равишда амалга оширилиши мумкинлиги маъқуллансин.

23. “Ипотека-банк” АТИБнинг Бошқаруви Раиси Ш.Х. Атабаев ва Бошқаруви аъзолари Э.И. Иномжонов, Д.И. Зулфукаров, М.А. Абдурахманов, Ж.М. Фаязов, Э.З. Норметов ва Ҳ.Г. Муродовлар билан тузилган шартномалар муддатларини бир йилга узайтириш тасдиқлансин.

Йиғилиш котиби

 Б.И. Мерганов

Ушбу баён 2020 йил 7 октябрда икки нусхада тузилди.